

ЯПОНИЯ МАДАНИЙ ДИПЛОМАТИЯСИННИГ ХУСУСИЯТЛАРИ

КАСИМОВА ЗИЛОЛА

таянч докторант, ТДШИ

Аннотация: Бугунги кунда, турли давлатлар ўз имижини шакллантиришида маданий дипломатиясига алоҳида эътибор қаратмоқда ва ундан самарали фойдаланишига интилмоқда. Маданий дипломатиянинг мақсади – хорижий давлатлар билан ҳалқаро алоқаларни мустаҳкамлаш ва ҳалқаро муносабатлар тизимиға таъсири кўрсатишидир. Шунингдек, у жаҳон ҳамжасиятида ўз имижини шакллантиришида ва мавқеини оширишида мұхым аҳамият касб этади.

Маданият омили ҳалқаро сиёсатдаги "юмисоқ куч" сифатида жаҳондаги ижтимоий-иктисодий жараёнларга ва ҳалқаро муносабатларга жиҳдий таъсири кўрсатади. "Юмисоқ куч" концепцияси остида муайян давлат томонидан олиб бориладиган маданий дипломатияси тушунлади. Дунёда ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олган Япониянинг ташки сиёсатида ҳам "юмисоқ куч" омилига катта эътибор қаратилмоқда. Маълумки, Япония ўз тараққиётни давомида Farb цивилизацияси ютуқларидан баҳраманд бўлиши билан бирга, миллий маданияти қадрияларини ҳам сақлаб қолишига муваффақ бўлган. Замонавий япон маданияти унда анъана ва замонавийликнинг ўзаро уйғунашиб кетганилиги билан характерланади. Айнан шу миллий хусусият ҳозирги аҳборотлашган жасиятни яратиши шароитида Япониянинг аҳборот инқиlobи ва компьютор аҳборот тизимининг жаҳондаги етакчисига айланшишига сабаб бўлди. Маданий дипломатия Японияга сиёсий ва иктиносий характердаги кўплаб масалаларни ҳал этишига хизмат қилибгина қолмай, уни ҳалқаро ҳамжасиятга янада чуқурроқ интегратиялашувига ва ҳалқаро майдонда ўз имижини оширишига ёрдам бермоқда.

Шундай қилиб, Япония глобаллашув жараёнларидан унумли фойдаланган ҳолда, "юмисоқ куч" воситасидан маданий дипломатиясини ривожлантириши орқали ўз маданиятини жаҳонда тан олиншишига эришиди. Шунинг учун ҳам, Япониянинг ушибу соҳадаги илгор тажрибасини ўрганиши биз учун мұхым аҳамиятга эга.

Таянч сўз ва иборалар: маданий дипломатия, ҳалқ дипломатияси, давлат имижи, "юмисоқ куч", Япония маданияти, "Soft Power 30" индекси, Япония ТИВ, Япония элчихоналари, маданий ва интеллектуал алоқа, Жаҳон маданияти билан таништириши жасияти (Кокусаи бунка синко кёкай), Талабаларнинг ҳалқаро жасияти (Кокусаи гакую кай), ҳалқаро туризм, БМТ, ЮНЕСКО.

Аннотация: В современном мире различные государства уделяют особое внимание своей культурной дипломатии и формированию своего имиджа. Целью культурной дипломатии является укрепление международных связей с зарубежными государствами и влияние на систему международных отношений. Она также играет важную роль в формировании имиджа и повышении статуса в мировом сообществе.

Фактор культуры, как "мягкая сила" в международной политике, серьезно влияет на социально-экономические процессы в мире и международные отношения. Под понятием "мягкой силы" понимается культурная дипломатия, проводимая определенным государством.

Япония, которая входит в число развитых стран мира особое внимание уделяет мягкому силовому фактору во внешней политике. Известно, что Японии удалось сохранить ценности своей национальной культуры, несмотря на то, что она пользовалась достижениями Западной цивилизации на протяжении многих десятилетий. И поэтому современная японская культура, характеризуется тем, что в ней гармонично сочетаются традиции и современность. Благодаря успешному сочетанию национальных особенностей и достижений компьютерных цифровых технологий, Япония стала мировым лидером среди информационных обществ. Культурная дипломатия не только служит Японии для решения многих вопросов политического и экономического характера, но и более глубокой интеграции ее в международное сообщество и повышению ее имиджа на международной арене.

SHARQ MASJ'ALI

Таким образом, Япония, эффективно используя процессы глобализации, добилась мирового признания своей культуры посредством развития культурной дипломатии. В связи с этим, для нас представляет интерес изучить передовой опыт Японии в этой области.

Опорные слова и выражения: культурная дипломатия, народная дипломатия, имидж государства, "мягкая сила", культура Японии, МИД Японии, посольство Японии, культурные и интеллектуальные связи, индекс "Soft Power 30", Общество по ознакомлению с мировой культурой (Кокусай бунка синко кёкай), Международное общество студентов (Кокусай гакую кай), ООН, ЮНЕСКО.

Abstract: In the modern world, various states pay special attention to their cultural diplomacy and the formation of their image. The purpose of cultural diplomacy is to strengthen international relations with foreign countries and influence on the system of international relations. It also plays an important role in shaping the image and improving status in the world community.

The cultural factor, as a "soft power" in international politics, seriously affects the socio-economic processes in the world and international relations. The term "soft power" refers to cultural diplomacy conducted by a particular state.

Japan, which is one of the developed countries of the world, pays special attention to the soft power factor in foreign policy. It is known that Japan managed to preserve the values of its national culture, despite the fact that it used the achievements of Western civilization for many decades.

And therefore, modern Japanese culture is characterized by the fact that it harmoniously combines tradition and modernity. Thanks to the successful combination of national characteristics and the achievements of computer digital technologies, Japan has become a world leader among information societies. Cultural diplomacy not only serves Japan to resolve many issues of a political and economic nature, but also integrates it deeper into the international community and enhances its image in the international arena.

Thus, Japan, effectively using the processes of globalization, has achieved world recognition of its culture through the development of cultural diplomacy. In this regard, it is of interest to us to study the best practices of Japan in this area.

Keywords and expressions: cultural diplomacy, public diplomacy, image of the country, "soft power", culture of Japan, Ministry of Foreign Affairs of Japan, Embassy of Japan, cultural and intellectual communication, index "Soft Power 30", society for familiarization with the world culture (Kokusai bunka sinko kyokai), international student society (Kokusai gakuyu kai), UN, UNESCO.

Бугунги кунда Республикаизда Ўзбекистон фуқаровий демократик давлат қураётган бир даврда, ўз миллий маданий қадрият ва анъаналарини сақлаб қолган ҳолда давлатимизни иқтисодиёт, сиёsat, маданият соҳасида модернизация қилишга интилмоқдамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 майда эълон қилинган “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида¹ белгилаб берилган фаол “халқ дипломатия”си асосида хорижий мамлакатлар билан дўстона муносабатларни ва маданий-маърифий алоқаларни мустаҳкамлаб бориш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланди. Чунки, бугунги кундаги энг самарали мулоқот технологияларидан бири, бу – маданий дипломатия ҳисобланмоқда. Маданият – халқаро ҳамкорликни йўлга қўювчи, иқтисодий ва сиёсий келишмовчиликларни тинч йўл билан ҳал этишининг асосий омилидир. Шунинг учун ҳам, турли давлатлар ўз имижини шакллантиришда маданий дипломатиясига алоҳида эътибор қаратмоқда ва ундан самарали фойдаланишга интилмоқда.

Маданий дипломатияни ривожлантиришда:

¹Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони//<http://uza.uz/uz/documents/millatlararo-munosabatlar-va-xorijiy-mamlakatlar-bilan-do-st-22-05-2017>

SHARQ MASJ'ALI

- санъат, шу жумладан театр, кино, мусиқа, рассомлик каби соҳалардаги мулоқат;
- қўплаб маданий обьектларни намойиш қилиш имконини берадиган қўргазмаларни уюштириш;
- чет тиллари ва маданиятини ўрганиш, қўшма таълим дастурлари асосида мутахасислар таёrlаш ва малакасини ошириш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш;
- туризм индустряси имкониятларидан фойдаланиш;
- илмий, маърифий ва бошқа ютуқлар билан алмашиш;
- адабиёт, шу жумладан: бадиий, илмий-оммабоп асарларнинг таржимаси;
- ахборот ва маданий дастурларни эфирга узатиш;
- халқаро спорт мусобақаларини уюштириш;
- диний конфесиялараро мулоқат;
- халқаро миқёсда илғор, конструктив ижтимоий-сиёсий ғояларни илгари суриш, ва бошқалар мухим аҳамиятга эга.

Маданий дипломатиянинг мақсади хорижий давлатлар билан халқаро алоқаларни мустаҳкамлаш ва халқаро муносабатлар тизимиға таъсир кўрсатишидир. Маданий дипломатия маданият элементларидан фойдаланади ва шу орқали:

- чет элликларда мамлакат аҳолиси, маданияти ва сиёсати ҳақида ижобий тасаввур шакллантиришга;
- мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни янада рағбатлантиришга;
- миллий манфаатларни ҳимоя қилишга;
- давлатлар ўртасидаги зиддиятларнинг олдини олиш ва ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишига эришади.

Демак, маданий дипломатия хорижий мамлакатлар маданияти, анъаналари ва урф-одатларини яхшироқ тушунишга ёрдам беради. Маданий алмашинув дастурлари маданий қадриятларни бошқа мамлакатларга узатиш, шунингдек, маданиятлараро мулоқат жараёни орқали чет элда мамлакатнинг ижобий имижини шакллантиришга ўз ҳиссасини қўшади.

Маданий дипломатия, бу – ўзаро тушунишни мустаҳкамлаш учун давлатлар ва халқлар ўртасида маданиятга оид ғоялар, ахборотлар, санъат асарлари ва маданиятининг бошқа таркибий қисмларини ўз ичига олган "юмшоқ куч" сиёсатининг ажралмас қисмидир.

"Юмшоқ куч" атамаси илк бор машҳур америкалиқ сиёсатшунос Жозефер Най томонидан 1990 йилда эълон қилинган "Эгилувчан ҳокимият. Жаҳон сиёсатида муваффақиятга эришиш ўюли" номли асарида қўлланган. Жозефер Най ҳар бир давлатнинг таъсир кучини 2 турга бўлади: Қаттиқ ва Юмшоқ. "Қаттиқ куч" (hard power) ҳарбий ва иқтисодий хукмронликка асосланиб, унда моддий омил устунлик қиласди. "Юмшоқ куч" (soft power) мажбур қилиш ўюли билан эмас, балки қўпроқ, маданиятининг жозибадорлиги билан қизиктириш, ўзига жалб этиш орқали томонларнинг бир-бирини тушунишга ва охир оқибат ҳамкорлик қилишга йўналтирилган ҳаракатdir¹, – деб таъкидлайди Жозефер Най. Шу билан бирга унинг фикрича, қаттиқ ва юмшоқ кучнинг бирикиши орқали "аклли куч" (smart power) вужудга келади.

Жозефер Най томонидан "юмшоқ куч" концепцияси ташқи сиёsat, сиёсий қадриятлар ҳамда маданиятда акс этилишини таъкидлаб ўтган. Бироқ, бошқа тадқиқотчилар "юмшоқ куч"нинг таркибий қисмларини кенгайтиришни таклиф этиб, унга: давлат бошқаруви, дипломатияси, маданияти, таълим тизими, бизнес ва инновацияларни ҳам киритдилар.


¹ Най Дж. С. Гибкая власть. Как добиться успеха в мировой политике. М., 2006. – С. 35.

SHARQ MASJ'ALI

Бугунги кунда, маданият омили халқаро сиёсатдаги "юмшоқ күч" сифатида жаһондаги ижтимоий-иктисодий жараёнларга ва халқаро муносабатларга жиддий таъсир эта бошлади. Шу муносабат билан турли давлатлар ўз имижини шакллантиришда маданий дипломатиясига алоҳида эътибор бера бошлади. Деярли барча ривожланган мамлакатлар "юмшоқ күч"ни ўзининг ташқи сиёсий стратегиясига киритиб, ундан давлат имижини оширишда самарали фойдаланишга интилмоқда. Хусусан, дунёда ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олган, лекин миллий ўзлигини йўқотмаган Япония ўз тарихий тараққиёти давомида Гарб цивилизацияси ютуқларидан баҳраманд бўлишига қарамай, ўз миллий маданиятини сақлаб қолишга муваффақ бўлди. Шу жиҳатдан, Япония амалга оширилган маданий, сиёсий ва иктисодий модернизация тажрибасини ўрганиш, ундан оқилона ва ижодий фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Япониянинг ташқи сиёсатида ҳам "юмшоқ күч" омилига катта эътибор қаратилмоқда. 2019 йилда Portland халқаро консалтинг компанияси "Soft Power 30"¹ деб номланган дунё давлатлари "юмшоқ күч" рейтингини эълон қилди. Унинг натижаларига кўра, Япония "юмшоқ күч" бўйича Осиё давлатлари орасида етакчилик қилиб, 1-ўринни эгаллади.

"Soft Power 30"² индексининг дунё бўйича эълон қилган рейтингида эса Япония 2015 йилдан 2018 йилгача бўлган 3 йил муддат ичida 8-ўриндан 5-ўринга чиқиб олди.



Алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, Япония глобаллашув жараёнларидан унумли фойдаланган ҳолда, "юмшоқ күч" воситасидан маданий дипломатиясини ривожлантириш орқали ўз маданиятини жаҳонда тан олинишига эришди. Шунинг учун ҳам, Япониянинг ушбу соҳадаги илғор тажрибасини ўрганиш биз учун муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқотчилар М.Аллен ва Р.Сакамото: "Япониянинг замонавий оммавий маданияти глобаллашув билан иттифоқ тузишга муваффақ бўлди, шунинг учун жаҳоннинг барча бурчагида ўзининг иштирокини таъминлай олди"³, деган фикрни илгари сурадилар.

2003-йилдаги "Time" журналининг Осиё нашрида Массачуст технология институти Медиа Лаб профессори Итин Накамуранинг қўйидаги фикри келтирилади: "Япония саноат-

¹ The Soft Power 30. A Global Ranking of Soft Power 2019. Portland. USC Center on Public Diplomacy. –P. 67.

² Ibid. P. 45.

³ Allen M., Sakamoto R. Popular Culture, Globalization and Japan.- N.Y., 2007. –P. 12.

лаштирилган жамиятдан поп-маданийлашган жамиятга айланди¹. Шунингдек, журналнинг шу сонида “Марубейни” компаниясининг истиқболни режалаштириш Маркази директори Сутому Сугиуранинг қуидаги фикрларни билдиради: “Сўнгти 10 йил ичида Япония лицензияланган фильм, анимэ ва мусиқалар экспортидан оладиган даромад 3 баробарига ошган ва у 12.5 млрд. долларни ташкил қиласа, саноат экспорти 20 фоизга ўсили. Албатта, кўрсатилган маблағ унчалик баланд эмас, лекин уни Toyota компаниясидан ҳар ой олинадиган даромади билан солиширадиган бўлсак, (11млрд.долл.) ўсиш суръати бизни ажаблантирмасдан қолмайди”².

Шуни яна бир бор таъкидлаб ўтиш жоизки, маданият иқтисодий ривожланишга ҳам, сиёсатга ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Бу ҳақида Колифорния университети профессори (Лос Анжелес) Дипак Лалнинг “Кутилмаган оқибатлар. Ишлаб чиқариш, маданий ва сиёсий омилларнинг узоқ муддатга мўлжалланган иқтисодий кўрсаткичларига таъсири” номли китобида маданият ва иқтисодий ривожланишнинг ўзаро алоқадорлиги тўғрисида кўпчилик иқтисодиётчиларда “бефойда” деган ноаниқ, чигал, нотўғри тушунчалар шаклланганлигини кўрсатади. Айни пайтда, унинг фикрича, иқтисодий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқадиган ва амалиётга тадбиқ этиш билан банд амалиётчилар жамиятнинг умумий ривожида маданиятнинг муҳим омил эканлигини эътироф этадилар. Муаллиф, АҚШдаги Халқаро ривожланиш Агентлигининг собиқ масъул ходими Лауренс Харрисоннинг “Кимлар гуллаб-яшнайди? Қандай қилиб маданий қадриятлар иқтисодий ва сиёсий ғалабани шакллантиради?” номли китобига мурожат этади³.

Бугунги кунга келиб, жаҳонда япон маданиятининг бошқа мамлакатларга, хусусан АҚШга маданий индустряси – комикс, манга, анимацион фильмлар - анимэ, мода, таом тайёрлаш ва бошқа шаклларда жадал кириб бораётганлиги ҳақида кўплаб фикрлар билдирилмоқда. Бу ҳақида машҳур журнал Business Weekда ёзилишича, “Япония маданияти АҚШда катта бизнесга айланди. Японча бўш вақтни ўтказиш ҳаётнинг барча соҳаларига кириб келмоқда. Бу энг аввало, поп-маданият ва кўп миллиардли рақамларда ифода этиладиган ўйинчоқлар бозорида ўз аксини топмоқда. Бундай маҳсулотлар шу пайтгача ҳозирги даврдагидек кенг миқёсда тарқалмаган. Ҳозирги пайтда бу жараён мультфильмларни трансляция қилувчи каналлар аудиторияси доирасидан ташқарига чиқиб кетмоқда”⁴.

Жаҳонда оммавийлашган комиксларни ўрганиш мақсадида Мейдзи университети мамлакатда энг йирик ҳисобланган анимэ ва комикс-манга илмий тадқиқот институтини ташкил этди. Мазкур лойиҳанинг мақсади япон ва жаҳон маданиятида миллий мультфильмнинг тутган ўзига хос ўрнини кўрсатишдан иборат эди. Манга ихлосманди бўлган мамлакат собиқ Бош Вазири Таро Асо ҳам бундай ёндашувнинг тарафдори ҳисобланган. У миллий мультфильм қаҳрамонларини акс эттирувчи япон маданий дипломатиясидаги янгиликларни қўллаб-куватлар экан, халқаро майдонда мавқеини янада мустаҳкамлашда, глобал инқизордан чиқиб кетиб мамлакатнинг истиқболда янги марраларни эгаллашда Япония “юмшоқ стратегиясининг” самарали воситаси сифатида нозик дидга мўлжалланган япон модаси ва таом тайёрлаш санъатининг тутган ўрнига алоҳида эътибор қаратди⁵.

¹ イエムリ新聞。日本の文化について。21.05.2006. Iemiuri sinbun (Маданият масалалри)

² Катасонова Е. Япония: “культурная глобализация” или “глобализация” // Азия и Африка сегодня. -№9.2008. – С. 67.

³ Лал Д. Непреднамеренные последствия. Влияние обеспеченности факторами производства, культуры и политики на долгосрочные экономические результаты. -М.:«ИРИСЭН», 2007. – С. 338.

⁴ Business Week. Japanese culture today. 07.26.2004. –P. 14.

⁵ <http://sknews.ru/chron/17762-anime-vklyuchena-v-arsenal-yaponskoj-diplomatii.html>.

SHARQ MASJ'ALI

Японияга бағишланган аксарият тадқиқотларни, уларда анъаналар билан бирга жамиятни модернизациялаш жараёнидаги ўзлаштирилаётган янгиликларнинг уйғун ҳолда намоён бўлаётганини акс эттириши умумлаштиради. Уларнинг кўпчилигига анъаналар нафақат турмуш, хўжалик институти, балки шу жамият учун маданий маконнинг универсал ва интегратив механизми сифатида талқин этилади. Ф.Маранин фикрича, “Япония учун анъаналар трансформациясининг тадрижий характеристики хосдир. Одатда янги элементлар эски структурага уни бузмаган ҳолда қўшилиб боради, кўпинча у билан ёнма-ён, баъзан у билан уйғун ҳолда ягона қоришима шаклида намоён бўладики, унда қайси бири ўзлаштирилган, қайси бириси анъанавий японча эканлигини ажратиш қийин бўлади”.¹ Шундай қилиб, Япония мисолида миллий анъаналарнинг ўзлаштирилган янгиликлар билан уйғунлашган ҳолда маданий трансформация жараёнини кузатиш мумкин.

“Time” журналида бу жараёнлар хақида шундай фикр келтирилади: “Балки, Япония саноатлашган гигант даражасида ўз кучини йўқатгандир, лекин энди у мусика, санъат, мода, дизайн ва бошқа кўплаб оммавий маданият соҳаларнинг глобал миқёсда узатувчи мамлакат сифатида кучли мавқега эга бўла бошламоқда”.² Демак, Япония сўнгти йилларда жаҳонда шаклланган глобаллашган кучлар ва уларнинг маркази конфигурациясини бузишга ҳамда нафақат менежмент, балки маданий дипломатия соҳасида ҳам етакчилик қилишга ҳаракат қилмоқда.

Япониянинг ўзида, маданий дипломатия деганда, Ташқи ишлар вазирлигининг ахбороттушунтирув ишларининг алоҳида йўналиши тушунилади. Ушбу йўналиш фаолияти хорижий давлат фуқароларининг Япония маданиятини тушунишга, унга нисбатан қизиқиш уйғотиш ва ишончини қозонишга, ўзининг ташқи сиёсий йўли учун мўътадил халқаро мухитни шакллантиришга, шунингдек, халқаро ҳамжамият кўз ўнгидага давлатнинг ижобий қиёфасини яратишга йўналтирилган.

Умумэтироф этилган замонавий амалиётга мувофиқ, ўз мамлакатининг ижобий имижини мустаҳкамлаш барча дипломатлар учун мажбурийdir. Кўп ҳолларда, ривожланган мамлакатларнинг Ташқи ишлар вазирлиги тизимида маданий дипломатия учун масъул бўлган маҳсус бўлинмалар ташкил этилади. Япония ТИВ таркибида ушбу вазифа вазир котибияти таркибидаги Ижтимоий дипломатия департаментига ва унга қарашли хориждаги Япония элчихоналаридағи ахборот бўлинмаларига юклатилган.

Япония ТИВи маданий дипломатиясининг қуйидаги йўналишлари мавжуд:

1. Халқаро маданий алоқалар: жамоат вакилларининг ўзаро ташрифлари, таълим ва спорт соҳасидаги алоқалар, маданият ва санъат соҳасидаги алоқалар, етакчи илмий мутахассислар ҳамда фан ва маданият арбоблари ўргасидаги алоқалар, японияшуносликнинг ривожланиши; Ўрта Шарқ мамлакатлари билан мулоқотларга, Осиё, АҚШ ва бошқа мамлакатлар билан интеллектуал алоқаларга, БМТ институтлари билан ҳамкорликка, икки томонлама маданий ҳамкорликка, шунингдек, ЮНЕСКО орқали ўзаро алоқаларга алоҳида аҳамият берилади.

2. Жамоатчилик билан алоқалар: хорижда Япония маданиятига қизиқиш уйғотиш мақсадида, уни тушунишни чуқурлаштиришга йўналтирилган маҳсус дастурлар ишлаб чиқилган бўлиб, унинг доирасида йирик маданий тадбирлар ўтказилади; Японияда халқаро туризмни ривожлантириш билан боғлиқ фаолият, шунингдек Япония ҳақидаги хорижий матбуот таҳлили амалга оширилади³.

¹ Маранин Ф. Япония. Образы и традиции. –М., 1980. – С. 158.

² Қаранг: Катасонова Е. Япония: “культурная глобализация” или “глокализация”//Азия и Африка сегодня. - №9. 2008. – С. 68.

³ Қаранг: Премьер-министр Японии и Кабинет Министров// <http://www.kantei.go.jp/foreign/index-e.html>.

SHARQ MASJ'ALI

Маълумки, Япония XIX асрнинг ўрталариға келиб, халқаро сиёсий майдонга чиқа бошлади. “Цивилизациялашган” дунёдаги илк мувафақиятга япон санъатининг Лондонда (1862 й.) ва Парижда (1867 й.) ўтказилган кўргазмалари сабаб бўлди. 1934 йилда Японияда халқаро маданий алоқалар Жамияти ташкил этилди¹. Натижада, Европада ва Америкада “мафтункор Япония” ҳақидаги ривоят шакланди. Шу вақтгача, Японияга, анъанага кўра дунёнинг чекка ўлкаси сифатида қараб келинган бўлса, эндилиқда уни ҳали тўла англаб олинмаган, лекин бошқа Шарқ мамлакатлари орасида ўзига хос жозибадорлиги билан ажralиб туриши эътироф этила бошланди.

Япония ўзининг муваффақиятини янги усууллар воситасида, жумладан, Европада анъанавий япон санъатини (шу жумладан миллий курашни) тарғиб қилиш орқали ҳамда ТИВнинг тадқиқот департаменти томонидан амалга ошириб келинаётган “Маданий ва интеллектуал алоқа” дастури ёрдамида мустаҳкамлади. Кейинчалик ташкил топган Жаҳон маданияти билан танишириш жамияти (Кокусай бунка синко кёкаи) ва Халқаро талабалар жамияти (Кокусай гаккюкаи) хорижда япон маданияти ва япон тилини ўрганилишини қўллаб қувватладилар. Шунингдек, маданият соҳасида эришилган ютуқларини ва “япон руҳини” кенг ёйишда Япония ТИВги ўша вақтларданоқ миллий маданият билимдонларининг ва ижтимоий алоқалар бўйича истеъоддли мутахассисларнинг кўмагидан кенг фойдаланиб келган. Масалан, “Бусидо. Япония қалби” китобининг муаллифи Нитобе Инадзо, “Чой йўли” китобининг муаллифи Окакура Какудзо, замонавий дзюдонинг асосчиси ва бутун дунёда ушбу спорт турини оммавийлаштириш ишида жонбозлик кўрсатган Кано Дзигоролар шулар жумласидандир². Хорижда Япония тимсолини оммалаштиришда бутун жаҳонга машхур япон маданияти, санъати арбоблари ва спортчиларига мурожаат этиш, уларнинг кўмагига таяниш анъанаси бугунги кунгача сақланиб қолган.

XIX аср охири – XX аср бошларида япон милитаризмининг агресив ташки сиёсатининг кучайиши муносабати билан, гуманитар характердаги тадбирларни амалга оширилиши бирмунча сусайди. Маълум бир вақт ўтиши ва Япониянинг ҳарбий қудрати ўса бориши билан дипломатиянинг маданий жиҳатлари заифлашди ва бутунлай йўқ бўлиб кетди.

Иккинчи жаҳон урушида мағлубиятга учраган Япония, урушдан сўнг, аниқроғи 1947 йилда тарихда илк бор халқаро баҳсларни ҳал қилиш усули сифатида урушдан воз кечишини эълон қилган янги Конституциясини қабул қилди. Унда қайд этилган: халқаро низоларни ҳал қилиш воситаси сифатида ҳарбий кучдан фойдаланишни рад этиши туфайли, Япония “совуқ уруш” даврида бошланган ҳарбий кучга, ядро куролига асосланган халқаро сиёсатнинг фаол иштирокчилари сафидан чиқарилди. Расмий ҳарбий кучлардан воз кечилиши ва урушдан кейинги биринчи йиллардаги иқтисодий заифлик япон сиёсатчиларини ўтмишнинг ижобий сабоқларини эслашга мажбур этди. Япон дипломатиясининг “юмшоқ кучи”га мурожаат қилиши мамлакатнинг тикланиши ва ундан сўнг “иқтисодий дипломатия” асосида бошланган иқтисодий юксалиш уни жаҳондаги иккинчи индустрисиал давлат даражасига олиб чиқди. Кейинчалик мазкур йўналишдаги давлат сиёсати янада долзарблашди.

Турли соҳаларда фаолият олиб борувчи машҳур хорижий арбобларнинг мамлакатга ташрифларини уюштириш Япония маданий дипломатиясининг асосий ва илк бор қўлланилган иш усуулларидан бўлиб, XIX асрнинг ўрталаридаёқ унга муваффақият келтирган. Бундай ташрифларга “маданиятлараро мулоқот секторига қисқа муддатли сердаромад маданий

¹ Япония: страна и люди. Kadansha International. -Tokyo.New York . London, 2005. . – С. 14.

² Дейноров Э. История Японии. -М. 2008. – С. 148.

инвестициялар” сифатида қарааш мүмкін. Одатда йирик сиёсатчилар, ёзувчилар, олимлар, маданият арбоблари ушбу инвестицияларнинг обьектлари бўлиб, уларга Япониянинг бой маданияти билан танишиш учун, баъзи ҳолларда эса Япония заминида ижод қилиш учун ҳам алоҳида шароитлар яратилган. Уларнинг Япония маданияти ҳақида, демакки, Япониянинг умумий тимсоли ҳақида билдирган фикрлари ўз мамлакатларида Япониянинг асосий ёки иккиламчи тимсолини яратилишига ҳал қилувчи таъсир кўрсатиб, амалда ҳамиша уни ижобий жиҳатдан шакллантириб келган.

Япония, шунингдек, ўзининг интеллектуал элитасини ҳам турли кўргазмалар, симпозиумлар ва маърузалар ташкил этиш йўли билан хорижга маданиятини тарғиб қилишни анча илгари ва фаол равишда жалб қилиб келган. Бу каби тадбирларда япон олимлари, маданият арбоблари билан бирга, йирик амалдорларнинг ҳам иштироки характерли бўлиб, улар Япониянинг ички ва ҳалқаро масалалар юзасидан қараашларини хорижда кенг жамоатчиликка етказишида ўз ҳиссаларини қўшадилар.

Тараққиёти бўйича дунёда етакчи ўринни эгаллаб келаётган япон илм-фани вакиллари илмий ҳамкорликни кенгайтириш ва Япониянинг ўз илм-фанини янада ривожлантириш мақсадида хорижий мамлакатлар олимлари билан алоқаларни кенгайтириш учун фаол равишда имкониятлар изламоқда. Жаҳоннинг турли мамлакатларидан энг машхур математик, физик, химик ва бошқа олимлар турли конференция, симпозиум, семинар, стажировкалар ва ҳ.к. ташкил этиш йўли билан Японияда ва ундан ташқарида ҳалқаро интеграция жараёнига жалб этилмоқда. Мисол учун, Цукубадаги Физик тадқиқотлар марказида бир вақтнинг ўзида бир неча мамлакатлардан жалб этилган олимлар илмий изланишлар олиб бормоқда. Уларнинг аксарияти бошқа илмий марказларда фаолият олиб бораётган ҳамкарабалари каби япон тили ва маданиятини ҳам ўрганишмоқда.

Хорижда Японияни ўрганишни ташкил этилиши, интеллектуал элита вакилларини япон-шуносликни турли мавзулари атрофида жипслашувига ва натижада хорижда Япония ҳақида умумий ижобий тасаввурни шаклланишига хизмат қилмоқда. Япония хукумати фонди ёрдамида Марказий Осиё мамлакатлари билан маданий мулоқотлар ташкил этилиб, бу мамлакатларга мунтазам равишда япон эксперлари йўналтирилиб, турли симпозиумлар, семинарлар ва бошқа илмий анжуманлар ташкил этилмоқда. Шунингдек, маданий алмашувларда япон маданий дипломатиясининг илк давриданоқ ривожлана бошлаган Хитой, Корея, АҚШ ва Осиё Тинч Океани минтақаси (АТР)нинг қатор давлатлари билан алоқаларга ҳам катта эътибор қаратиб келинмоқда.

Таълим, ёшлар ва спорт соҳасидаги алоқа дастурлари энг самарали ҳисобланади. Чунки унда келажакда ўз давлатларининг сиёсий, иқтисодий ва интеллектуал элитасининг ташкил этиши мүмкін бўлганлар тафаккурида Япониянинг ижобий образини яратишга йўналтирилган. Япон фонди йўналиши бўйича ташкил этиладиган турли стажировкалардан ташқари, Япония таълим вазирлиги томонидан ёшлар учун япон тилини бевосита Японияда ўрганиш имконияти яратилди. Шу билан бирга, Япония мактаб ва университетларида инглиз ва бошқа хорижий тилларни ўрганишни истовчилар учун Японияда таълим бериш ва алмашув дастури (Japan Exchange and Teaching -JET) муваффакиятли фаолият кўрсатмоқда. Ушбу дастур бўйича жаҳоннинг 40 мамлакатидан 40 минг ёш хорижликлар Японияда бўлиб қайтдилар¹.

Шу билан бирга, япон хукумати ёшлар субмаданиятига хорижий давлатлардаги ёшларни анъанавий япон маданиятини тушуниш ва қабул қилишга тайёрловчи истиқболли компонент

¹ Внешняя политика Японии. -М.:Восточная литература, 2008. – С. 285.

SHARO MASS'ALI

сифатида қараб, унга алоҳида эътибор бермоқда. Бу аввало манга (комикслари), анимэ (мультфильмлари) ва ёшлар модасига тааллуқли. 2006 йилнинг ёзида Япония ТИВи расмий рашидга поп-маданиятни ўз мамлакатининг ижобий тимсолини шаклантиришда дипломатик восита сифатида фойдаланиш истагини билдириди. Шу муносабат билан, Япониянинг собиқ Бош вазири Таро Асо замонавий маданият имкониятларидан дипломатик ресурс сифатида фойдаланишнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб: "Биз, ижтимоий фикр миллий дипломатиямизга катта таъсир кўрсатадиган бир даврда яшяпмиз. Шунинг учун, биз, оммавий жамоатчилик онгига самарали таъсир кўрсатиб келаётган поп-маданият дипломатик иттифоқчимизга айланишини истаймиз",¹- дейди.

Келажакда Япониянинг дўстона имижи ёшларнинг дидига маҳсус мослаштирилган “Ажойиб Япония”(Cool Japan) тимсоли асосида яратилиши кўзда тутилган. Айни чоғда япон анъаналари ва маданиятининг Но, Кабуки, Бунраку театрлари, сумо кураши ва чой маросими каби мумтоз шаклларига содиклик таъкидланади.

Япония бир қатор мамлакатлар билан япон тилини ўрганиш ва унинг анъанавий маданияти билан танишиш каби соҳаларини ўз ичига олган икки томонлама ҳамкорлик алоқаларини ўрнатмоқда. Япония, айниқса, БМТ билан алоқаларга жиддий эътибор бериб, унинг лойихаларида мунтазам ва фаол иштирок этади. БМТнинг тегишли бўлинмалари томонидан Япониянинг бой тарихи ва маданиятининг кўпдан-кўп обидалари дунё миқёсидаги ноёб асарлар сифатида тан олинган. Бу эса, дунё миқёсида Япониянинг умумий маданий нуфузини янада ортишига олиб келди. ЮНЕСКО каби бир қатор йирик халқаро ташкилотларга Япония фуқароларининг раҳбарлик лавозимларга жалб этилгани ҳам бунинг яна бир исботидир.

Япон тилини оммалаштириш бўйича эришилган муваффакиятларга қарамасдан, ушбу йўналишдаги ҳаракатлар янада фаоллашмоқда. Япония ТИВи ўз элчихоналарининг ахборот бўлимлари орқали вазирлик учун зарур социологик ахборот тўплаш билан бир қаторда, мамлакат билан расмий танишувни амалга оширадилар; япон тилини оммалашувида шунингдек, маҳсус япон марказларининг самарали фаолиятини ташкил этишда кўмаклашадилар.

Давлат имижини оширадиган реал усуллардан бири – дунё халқларига иқтисодий ёрдам күрсатиш билан боғлиқ. Бундай ёрдам донор давлат ва реципиент давлат ўртасидаги оддий муносабат бўлиб қолмай, реципиент давлат фуқаролари онгода донор давлатнинг ижобий имижини шакллантиришга ва халқаро ҳамжамиятда “донор давлат” нуфузини оширишга йўналтирилган бўлади². Жумладан ODA, ЛСА каби ташкилотлар фаолияти Япониянинг, айниқса Осиё мамлакатларида нуфузини кўтаришга қаратилган.

Бундан ташқари, муайян давлат жозибадорлигини оширишнинг универсал усулларига яначет элга радио ва телесхиттиришларни, халқаро ахборот дастурларини ташкил этиш, илмий ва маданий алоқаларни кенгайтириш киради. Ахборот бўлимлари ва япон марказларида одатда Япониянинг тарихи, маданияти, сиёсати, анъаналарига оид катта хажмдаги ахборот мавжуд бўлган китоблар, аудио ва видеоматериаллар тўпланиб, улар маҳаллий оммавий ахборот воситаларига фойдаланиш учун тақдим этиб келинади. Япония хукумати ўзининг дипломатик миссиялари орқали инглиз ва маҳаллий тилларда ахборот материалларини тарқатиб, мазкур давлат ахолисини қизиқтирган муайян масалаларга, шунингдек, глобал масалаларга ҳам ўз

¹ A New Look at Cultural Diplomacy: A Call to Japan's Cultural Practitioners Speech by Minister for Foreign Affairs Taro Aso at Digital Hollywood University. 28.04. 2006. // Ministry for Foreign Affairs of Japan. URL: <http://www.mofa.go.jp/announce/fm/aso/speech0604-2.html> (дата обращения 03.11.2015).

² Радиков И., Лексотина Я. «Мягкая Сила» как современный атрибут великой державы // Мировая экономика и международные отношения. -2012. -№2. – С. 22.

SHARQ MASJ'ALI

қарашларини сабр-тоқат билан тушунтириб келмоқда. Сүнгги йилларда, Интернет тизими-нинг кенг ёйилиши туфайли, ушбу йўналишда вужудга келган имкониятлардан Япония хукумати самарали фойдаланиб, маданий дипломатия соҳасидаги сарф-харажатларини кес-кин камайтиришни режалаштирумокда.

Умуман олганда, Япониянинг маданий дипломатияси, давлат ижобий имижини шакллантириш концепциясига мувофиқ, Токио ташки сиёсий фаолиятининг муҳим устувор йўналишларидан бирига айланди. Япониянинг маданий ташаббуслари, маданий дипломатияси аввалла-ри бўлганидек ҳозир ҳам мамлакат ва халқининг ноёб хусусиятларини ҳурмат қилиш ва тушу-нишга йўналтирилган. Маданий дипломатия Японияга сиёсий ва иқтисодий характердаги кўплаб масалаларни ҳал этишга хизмат қилибгина қолмай, уни халқаро ҳамжамиятга янада чуқурроқ интеграциялашуvida муҳим воситасига айланди. Чунки, маданий дипломатия давлатнинг ташки маданий муносабатларини барқарор ривожланишида, жаҳонда турли мамла-катлар ўртасидаги халқаро алоқаларини мустаҳкамлашда, шунингдек, жаҳон ҳамжамиятида ўз имижини шакллантиришда ва мавқенини оширишида муҳим аҳамият касб этади.

Шундай қилиб, ҳар бир давлатнинг ҳақиқий куч-кудрати нафақат иқтисодий имкониятлари, балки унинг миллий маданияти ва маънавияти билан ҳам белгиланади. Шунинг учун ҳам, бугунги кунда, давлат ўз ижобий имижини юқори даражага кўтариш мақсадида маданий дип-ломатиясини ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратиши лозим. Бунга Япония давлат ижобий имижини шакллантиришда маданий дипломатиясини ўзига хос муҳим хусусиятларида намоён бўлаётганлигини кузатиш ва тадқиқ этиш орқали ишонч ҳосил қилиш мумкин.

